

Special Issue on “Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development”
Published in Aug-2021


Analysis of General Benefits from Sales of Products and Factors Affecting their Changes

Butunov Sh. B. 1

Аннотация.

Мақолада корхоналарда молиявий натижаларни ифодаловчи күрсаткичлар тизими
ва бу күрсаткичлар бүйича иқтисодчи олимлар ҳамда меңерий ҳужжатларда
келтирилған таърифлар келтирилған. Мавзуни ёритишида амалий маълумотлардан
фойдаланилған ҳолда күрсаткичларнинг такқослама таҳлили ўтказилған.
Шунингдек, молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш бүйича таклифлар
берилған.

Калит сўзлар: молиявий натижа, маҳсулотни сотишдан тушум, даромад, харажат,
солиққа тортилганга қадар фойда, соғ фойда, фойда, тақсимланмаган фойда



1 Senior Lecturer at the Karshi engineering-economics Institute

Кириш. Мамлакатимизда иқтисодий соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида макроиктисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири хисобланади. Бу эса, иқтисодиёт тармоқларини иқтисодий ва молиявий фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан унумлироқ фойдаланишни, илғор тажрибаларни жорий этиш ҳамда сифат кўрсаткичларни муттасил яхшилаб боришни тақозо этади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг олган фойдаси қанча кўп бўлса, мулк эгасида ҳар бир ходимни шунча кўп рағбатлантириш, корхонани ҳар томонлама кенгайтириш, такрор ишлаб чиқариш фондлари маблагини кўпайтириш имконияти туғилади. Бундан жамият ҳам манфаатдор, зеро корхонанинг олган фойдаси қанча кўп бўлса, фойдадан давлат бюджетига тўланадиган солиқ ҳам шунча кўп бўлади.

«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» номли 3-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августида 475 – сон билан рўйхатга олинган) 7-бандига мувофиқ ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарар қўйидаги элементлар асосида аниқланади, уларнинг ҳар бири молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда очиб берилиши лозим:¹

1. Хўжалик умумий фаолиятидан олинган даромад ёки кўрилган зарар;
2. Фавқулодда даромад (зарар);
3. Даромад солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);
4. Даромад солиғидан ташқари соф фойда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Иқтисодий адабиётлар, илмий монографиялар ва меъёрий ҳужжатларда даромад, харажат, маҳсулотни сотишдан соф тушум, сотилган маҳсулотнинг таннархи, маҳсулотни сотишдан ялпи фойда, солиқ тўлагунга қадар бўлган фойда, соф фойда каби тушунчаларнинг иқтисодий моҳияти турлича талқин қилинмоқда.

Любушин ва бошқалар (2004) даромад ва фойдани ифодаловчи кўрсаткичларга қўйидагиларни киритишган: 1) маҳсулотни сотишдан соф даромад; 2) маҳсулотни сотишдан ялпи фойда; 3) асосий фаолиятдан фойда; 4) молиявий фаолиятдан фойда; 5) умумхўжалик фойдаси; 6) экстраординар фойда; 7) солиқ тўлагунга қадар фойда; 8) соф фойда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири)ги ЎРҚ-404-сонли Қонунининг 18-моддасида даромадлар ва харажатларни тан олиш қўйидагича эътироф этилган: «Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллукли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади».

А. В. Ваҳабов ва А. Т.Иброҳимовлар фойда кўрсаткичига қўйидагича таъриф берадилар: (2005) «Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанлиқдир. Улар ўртасидаги қуи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди».

М.Қ.Пардаевнинг фикрича: (2002) «Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири - таҳлил қилинаётган обьект ёки бирорта иқтисодий тоифани холисона баҳолаш учун уни

¹ «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» номли 3-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 1998 йил 14 августида 475 – сон

ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни назарий ва методологик жиҳатдан ҳар томонлама асослашдан иборат» деб айтган.

МХХС 2-«Товар-моддий захиралар» да ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни ҳисобга олишда икки гурухга ажратилади – маҳсулотга (таннархга олиб бориладиган) харажатлар ва давр харажатларига². Бу стандартга асосан харажатларни ҳисобга ва тан олиш бошлангич хужжатларга асосланмайди, балки бухгалтернинг мутахассислик фикрлашига кўра иқтисодий нафнинг камайишига асосланади. Мамлакатимизда харажатларни ҳисобга олиш ҳамда тан олишда тегишли тартибда расмийлаштирилган хужжатларга асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг (2020) 305-моддасида харажатлар қуидаги акс эттирилган: «Юридик шахсларнинг солиқ базасини аниқлаш мақсадларида солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг худудидан ташқарида ҳам ҳисобот (солиқ) даври давомида амалга оширилган (кўрилган), асосланган ва хужжатлар билан тасдиқланган чиқимлари харажатлар деб эътироф этилади».

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги НИЗОМга асосан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши натижасида олинадиган даромадларига киритилади:

- сотишдан олинган соф тушум.
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари).
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.
- фавқулодда даромадлар;
- соф фойда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг (2017) 22-моддасида соф тушум ва соф фойда тушунчаларига таърифлар берилган: «соф тушум — товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиги, акциз солиги ҳамда бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум; соф фойда — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда».

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг (2020) 297-моддасида жами даромаднинг таркиби берилган: «Жами даромадга қуидагилар киради: жами даромадга (бундан бўён ушбу бўлимда даромад деб юритилади) ҳар қандай шаклда ва (ёки) ҳар қандай фаолиятдан олиниши лозим бўлган даромадлар (бундан бўён матнда олинган даромадлар деб юритилади)». Юқоридагилардан кўриниб турибдики, молиявий натижаларни характерловчи кўрсаткичларга берилган таърифлар ва тушунтиришлар ҳар хил бўлиб, бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақоза этади.

Тадқиқот методлари. Илмий адабиётлар ва меъёрий хужжатларни таҳлил қилиш асосида молиявий натижаларни ифодалавчи кўрсаткичларнинг таърифлар ва тушунтиришлар ўрганилиб, уларни таҳлил қилиш масалари методик жиҳатдан тадқиқ қилинди. Молиявий натижаларни корхона эришган натижалар асосида таҳлил қилишни такомиллаштириш

² МХХС 2-“Товар-моддий захиралар”.

бўйича таклифлар берилган. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, статистик жадвал, шунингдек статистик ва солиштирма таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи мезон - соф фойдадир. Соф фойдани аниқлаш учун “Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан оралик фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак бўлади. Молиявий натижаларни таҳлил қилиш аввалимбор, корхона ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашдан бошланади.

Махсулотлар сотишдан олинган ялпи фойда ёки зарар қўйидаги тартибда аниқланади. Яъни, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, ҚҚС, акциз солиги, қайтарилиган товарлар суммаси ва харидорларга берилган сийловларни чегириш асосида аниқланади.

Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш, хизматларни сотишдан шаклланганлиги сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу кўрсаткичларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва уларга омиллар таъсирига қаратилади.

Таҳлилда молиявий натижалар шаклланишида сотишнинг учта кўриниши характерланади:

1. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижা.
2. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан молиявий натижা.
3. Бошқа активларни сотишдан олинган натижা.

Чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш хўжаликнинг ички имкониятларни излаб топишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, омилли таҳлил усулларидан кенг микёсда фойдаланишини талаб қилмоқда.

Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда ўзгаришига қўйидаги омиллар таъсири этади:

корхонанинг ўзига боғлиқ ички омиллар;
корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулот таннархи, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот ассортимент ва структура омиллари киради. Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи омилларга давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Умумий жиҳатдан олганда факат корхонанинг ўзига тегишли ва тегишли бўлмаган омилларни фарқлаш қийин. Уларни факат нисбий жиҳатдан қараш мумкин.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда таҳлилида бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шартига ҳам баҳо бериш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шарти маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум суммасидан барча ўзгарувчан харажатларни чегиришни характерлайди. Бунда янгидан яратилган қиймат факат ўзгарувчан қийматнинг ўзидан иборат бўлади. Яъни, корхона маржиналлик шартида критик ҳажм даражасида фойда суммасига эга бўлмайди. У факат ишлаб чиқариш харажатларини, ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни қоплаш даражасидаги маҳсулот ҳажмигагина эга бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шарти корхона ишлаб чиқариш режаси ва фаолият натижавийлигини олдиндан белгилаш имконини беради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг критик даражаси ҳам одатда ушбу қатор бўйича ўрганилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси деганда корхонанинг фойда ёки зарар олмасдан маҳсулот иш ва хизматлар ҳажмини белгилаш даражаси олинади. Критик ҳажм даражасида маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум фақат шу маҳсулот иш ва хизматларга кетган ўзгарувчан ва доимий ўзгармас харажатларни қоплашга этиши кузатилади.

Таҳлилда критик ҳажм даражаси ва уни аниқлашнинг услубий боғланишлари белгиланади. Шунингдек унинг ўзгаришини омилли таҳлил этиш орқали ечимлар берилади.

Критик ҳажм даражасини қўйидаги формула шаклида ифода этиш мумкин. Бунда бевосита маҳсулотнинг қиймат ифодасидан ёки сотиш баҳосидан келиб чиқлади. Маҳсулотнинг қиймат ифодасини эса қўйидагича белгилаш мумкин.

Маҳсулот қиймати = Ўзгарувчан харажат + Ўзгармас харажатлар + фойда.

Бундан критик ҳажм даражасига юқорида берилган таърифдан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги боғланишни бериш мумкин.

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ҳажми = Ўзгарувчан харажатлар + ўзгармас харажатлар + 0.

Бу бевосита қийматни иқтисодий категория сифатида белгилашдаги ифодалашнинг ўзидан иборатdir. Яъни

Маҳсулот ҳажми = Доимий капитал + Ўзгарувчи капитал + Фойда.

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши;
- маҳсулот бирлигининг баҳоси;
- маҳсулотлар миқдор ўзгаришлари;
- ўзгармас харажаталар ўзгариши ва х.к.

Энди, маҳсулотлар сотишдан олинган фойда (зарар) ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш учун қўйидаги 1-жадвални келтирамиз.

1-жадвал Корхонада маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига

№	Кўрсаткичлар	2020 йилнинг боши	2020 йилнинг охири	Ўзгариши (+,-)	Ўсиш суръати, %
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соғ тушум	1394779	1641263	+246484	117,67
2.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	1017940	1326274	+308334	130,29
3.	Маҳсулот сотишдан келган ялпи фойда (1қ – 2қ)	376839	314989	-61850	83,59

таъсир қилувчи омиллар таҳлили

(минг сўм хисобида)

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада ялпи фойда ҳажми 2020 йилнинг охири йил бошига нисбатан 16,41 (100-83,59) % га камайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қўрсатди:

1.Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ҳажмини 246484 минг сўмга ошиши натижасида ялпи фойда миқдори 65,41 % га ($246484 \times 100 : 376839$) ошди.

2.Сотилган маҳсулот таннархни 308334 минг сўмга ортиши эвазига ялпи фойда миқдори 81.82 % га ($308334 \times 100 : 376839$) камайган.

Шундай қилиб юқорида ҳисобланган 2 та омилнинг таъсири $(+65,41 + (-81,82)) = -16,41\%$. Бу фоиз эса ялпи фойда ҳажмида бўлган умумий фарқга тенг (+16,41%) тенг.

Энди, маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2-жадвал).

2-жадвал

Маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали

аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобни нг тартиб сони	Алмаштиришн инг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибиға кирувчи омиллар		Натижав ий кўрсатки ч – ялпи фойда (1-2)	Олдинг и ҳисобга нисбата н фарқ, (+,-)	Ўзгари ш сабабла ри
		маҳсулот т сотишд ан олинган соф тушум	сотилган маҳсулотни нг ишлаб чиқариш таннархи			
A	Б	1	2	3	4	5
1	-	1394779	1017940	376839	-	
2	1	1641263	1017940	623323	+246484	Соф тушум ошган
3	2	1641263	1326274	314989	-308334	Таннарх ошган
Омиллар баланси: -61850						

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажми 2020 йилнинг охири йил бошига нисбатан 61850 минг сўмга камайган ёки унинг ўсиш суръати 83,59 % ни ташкил қилган. Соф тушум ҳажмини 246484 минг сўмга кўпайиши ялпи фойдани шу суммага ошириди. Ялпи фойда сотилган

маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ошиши ҳисобига 308334 минг сўмга камайди. Ҳисобланган 2 та омилнинг таъсири: (+246484)+(- 308334)=-61850 минг сўм.

Кўриниб турибдики, биз тавсия қилган усул билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблашнинг имкони бўлади. Агар ушбу тавсиямиз амалиётда қўлланилса, корхоналарнинг фаолиятига тўғри баҳо бериш, уларни одилона бошқаришга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Wan Madznah, Wan Ibrahim, Mohd Rizal Palil (2014) “Fundamentals of Business Accounting” 2nd edition Published by Oxford Fajar Sdn. Bhd. Selangor Darul Ehsan, Malaysia.
2. Волкова О.Н. (2006) Управленческий учет: учеб.-М.:ТК Велби,Изд-во Проспект, 86 стр. Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳирдаги Солиқ Кодекси.
3. Пардаев М.Қ. “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари”. – С.: 2002. 78 б.
4. Любушин Н.П., Лещева В.Б., Дьякова В.Г. (2004) Анализ финансово-экономической деятельности предприятия: Учеб. пособие для вузов / Под ред. проф. Н.П.Любушина. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, С 47.
5. НИЗОМ (1999) “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган)
6. Қонун (2016) Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” (янги таҳрири)ги ЎРҚ-404-сон. 13.04.2016 йил.
7. Хасанов Б.А. (2011) Бошқарув ҳисоби.дарслик. Тошкент: Yangi nashr, 24 бет